

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКМУРОДОВА ГЎЗАЛ АДҲАМОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy
(PhD) on Economics Sciences**

Бекмуродова Гўзал Адхамовна

Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион
маркетинг концепциясини такомиллаштириш 3

Бекмуродова Гузал Адхамовна

Совершенствование концепции инновационного маркетинга в
повышении конкурентоспособности коммерческих банков 25

Bekmurodova Guzal Adkhamovna

Improving the concept of innovative marketing in enhancing the
competitiveness of commercial banks 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКМУРОДОВА ГЎЗАЛ АДҲАМОВНА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt 175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdiu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рашидов Оқтам Юнусович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Икрамов Мурод Акрамович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мустафоев Зафар Бўриевич иқтисодиёт фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю.Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А.Махкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши молия бозорининг фаол иштирокчилари ҳисобланган тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда инновацион ёндошувлардан фойдаланишни талаб этмоқда. Бу эса инновацион маркетинг концепцияларидан самарали фойдаланиш асосида банклар фаолиятига замонавий хизмат турларини жорий этиш каби устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Халқаро тажрибадан маълумки, банкларнинг бозорда барқарор позицияни эгаллаб туриши, аввало уларнинг бу борадаги рақобатлашув қобилиятига, жумладан, инновацион салоҳиятига боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, бозорда рақобат устунлигидан оптимал фойдаланиш асосида тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таъминлаш бугунги кунда муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Банк амалиётида банк маркетинг стратегияларини такомиллаштириш, янги инновацион хизмат турларини жорий этишда мижозлар билан ўзаро маркетинг муносабатларини ўрнатиш, тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият юритишида инновацион маркетинг концепциясидан, шунингдек мижозларга янги банк хизматларини тақдим этишда «краудсорсинг» инновацион маркетинг услубидан фойдаланиш, банк маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, банкларда маркетинг харажатлари ҳисобини юритиш, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш борасида комплекс илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий банк хизматларини ривожлантириш асосида тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш борасида кўламли ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатда банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш мақсадида бир қатор ўзгаришлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз навбатида, банк-молия тизимини либераллаштириш шароитида Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш, банкларнинг барқарорлиги ва ликвидлилиги ўсиш суръатларини таъминлашнинг асосий шарт сифатида рақобатли бозор шароитида инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш, банкларнинг рақобатбардошлигини, мижозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш кабилар бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк тизимини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларини молиялаштиришда банкларнинг иштирокини ошириш»¹ муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

вазифаларнинг самарали бажарилиши эса тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясидан фойдаланишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни ва янада ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодий модернизацциялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда инновацион маркетинг фаолиятининг роли ва аҳамиятини очиқ беришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан² Ж.Ж.Ламбен, Ф.Котлер, М.Портер, Е.Дихтель, Е.П.Голубков, Маҳмуд, Ж.Ал Самидай, Д.И.Баркан, А.В.Буздалин, Т.Амблерларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Инновацион маркетинг концепциялари ҳамда унинг асосида тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишдаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар³ М.Р.Болтабаев,

²Ж.Ж.Ламбен. «Стратегический маркетинг» – СПб.: «Наука», 2006 г.; Ф.Котлер, Ф.Армстронг, Г.Сондерс, Д.Вонг. «Основы маркетинга» – СПб.: Вильямс, 2008 г.; Майкл Е. Портер. «Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов». Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс. 2005. – 454с.; Е.Дихтель, Х.Хершген. «Практический маркетинг», учеб. пособие / пер. с нем. Макарова А.М.: под ред. Минко И.С. – М.: Высш. шк. 1995. – 225с.; Е.П.Голубков. «Маркетинговые исследования: теория, методология и практика» – М.: Финпресс, 2008 г.; Mahmud, J.Al Samy dai, Ibrahim, Alnawas A.M. and Rodina A. Yousif, 2010. «The Impact of Marketing Innovation on Creating a Sustainable Competitive Advantage», The Case of Private Commercial Banks in Jordan. Asian Journal of Marketing, 4: 113-130.; Д.И.Баркан. «Маркетинг для всех: Беседы для начинающих». – J.L.: Редакционно-издательский центр «Культ-информ-пресс» совместно с социально-коммерческой фирмой «Человек», 1991. – 256с.; А.В.Буздалин. «Надежность банка: От формализации к оценке», 2012. – 192с.; Т.Амблер. «Практический маркетинг» /Пер. с англ. под общей ред. Ю. Н. Каптуревского. – СПб: Издательство «Питер», 1999. – 400 с.

³М.Р.Болтабаев. «Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси». – Т.: Фан, 2004 г.; А.Ш.Бекмуродов, М.С.Қосимова ва Ш.Ж.Эргашходжаева. «Стратегик маркетинг» - ўқув қўлланма Т.: ТДИУ, 2010 й.; Ж.Ж.Жалолов, И.А.Ахмедов, И.У.Нематов ва Ё.И.Эгамбердиев. «Маркетинг тадқиқотлари» Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011 г.; Д.М.Мухитдинов. «Маркетинг» – Т.: ТГЭУ, Учебник 2008 г.; М.С.Қосимова, М.Юсупов ва Ш.Ж.Эргашходжаева. «Истеъмол товарлари ва хизматлари маркетинги асослари» – Т.: ТДИУ, 1995 г.; А.А.Фаттахов. «Маркетинг концепция рыночная управления» Т.: ТДИУ, 1999 г.; Ш.Ж.Эргашходжаева.

А.Ш.Бекмуродов, Ж.Ж.Жалолов, Д.М.Мухитдинов, М.С.Қосимова, А.А.Фаттахов, Ш.Ж.Эргашходжаева, З.Ж.Адилова, Ф.И.Мирзаев, О.А.Ортиқов, З.Б.Мустафаев, Д.Н.Аллаёрова, Б.М.Мирзамайдинов, М.М.Абдурахмановаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда инновацион маркетинг концепцияларидан тизимли асосда фойдаланиш масалалари юқорида санаб ўтилган олимларнинг асарларида комплексли равишда тадқиқ этилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник, технологик қайта жиҳозлашда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг тезкор янгилашишда инновацион маркетинг ва менежмент концепцияларидан фойдаланиш методологияси» мавзусидаги илмий йўналиши доирасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий банк маркетинги концепцияси асосида тижорат банклари рақобатбардошлигининг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда тижорат банклари рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини таҳлил этиш;

инновацион маркетинг услуби сифатида краудсорсингдан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларини рақобатли бозорга киритиш имкониятларини ўрганиш ҳамда тегишли илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари инновацион маркетинг стратегиясида илғор ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш истиқболларини ўрганиш ҳамда тегишли таклиф ва тавсияларни асослаш;

инновацион маркетинг технологиялари ва замонавий маркетинг-микс модели асосида республика тижорат банклари фаолиятида фойдаланиш учун мослаштирилган хизматлар соҳаси маркетинг-микс моделини ишлаб чиқиш;

тижорат банкларида маркетинг тадбирларини бошқариш харажатлари

«Инновацион маркетинг». Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2014 й.; З.Ж.Адилова. «Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси» И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. - Тошкент, 2008 й.; Ф.И.Мирзаев. «Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари». Иқтисод фанлари доктори диссертация автореферати – Т.:2009 й.; О.А.Ортиқов. «Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2009 й.; З.Б.Мустафоев. «Банк маркетинги – молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:1998 й.; Д.Н.Аллаёрова. «Эффективность маркетинга в деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2009 й.; Б.М.Мирзамайдинов. «Банк хизматида маркетинг самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк мисолида)». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2008 й.; М.М.Абдурахманова. «Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш». Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати – Т.:2010 й.

ҳисобини юритиш тизими ва унинг самарали ташкил этилишини тадқиқ этиш, мазкур масала бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, монографик кузатув, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, илмий абстракция, статистик кузатув ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги банк хизматларини бозорга киритишда «краудсорсинг» инновацион маркетинг услубидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган ҳамда илк бор «краудмаркетинг» инновацион маркетинг усули таклиф этилган;

тижорат банклари харажатларини камайтириш ва мижозлар талабларига янада мослашишга қаратилган банк маркетинги бошқарувида АКТдан самарали фойдаланишнинг мантиқий-схематик модели ишлаб чиқилган;

тижорат банкларида стратегик маркетинг бошқаруви тизими блок-схемаси такомиллаштирилган ҳамда стратегик маркетингда замонавий ва инновацион маркетинг технологиялари тизими ва 4С модели таклиф этилган;

банкларнинг бошқарув харажатлари аниқ ҳисобини юритиш ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаш мақсадида маркетинг тизими харажатлари ҳисобини юритиш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

BSC-таҳлил, рақобат самарадорлигини баҳолаш ва банк маҳсулотлари рақобатбардошлиги усуллари киритилган ҳолда банк рақобатбардошлигини аниқлаш ва баҳолаш услубидан такомиллаштирилган;

ўзаро муносабатлар маркетинги концепциясининг тамойилларига асосланган ҳолда мижозлар билан мақсадли ўзаро муносабатлар маркетинги ёндашувлари ишлаб чиқилган;

банклар рақобат самарадорлигини ривожлантириш босқичлари ва кўрсаткичлари тизими асослаб берилган ҳамда бунда инновацион маркетингдан самарали фойдаланиш йўналишлари таклиф этилган;

тижорат банклари фаолияти рақобатбардошлигини оширишда инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштиришга қаратилган амалий-услубий таклифлар ишлаб чиқилган;

рақобат шароитида мижозларга қулай ва самарали хизмат кўрсатишда банклар филиаллари сонини ошириш эмас, балки банк маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатишда АКТдан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги асосланган;

маркетинг қарорларини қабул қилиш самарасини оширишда тижорат банклари умумий харажатлари таркибида маркетинг тадбирлари харажатлари ҳисоботини юритишнинг амалий-тадбиқий шакли ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий

манбалардан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат ва тижорат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий асослар тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Улардан тижорат банклари самарадорлигини ошириш, маркетинг тадбирлари харажатларини самарали бошқариш, банклар фаолиятида инновацион маркетинг стратегияларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти банк бозорини тадқиқ этиш, инновацион маркетинг стратегиясини шакллантириш ва банкнинг бозор сиёсатини белгилаш билан боғлиқ ечимларидан тижорат банклари фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

янги банк хизматларини бозорга киритишда «краудсорсинг» инновацион маркетинг услубидан фойдаланиш йўллари ҳамда илк бор «краудмаркетинг» инновацион маркетинг усулини қўллаш таклифи «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки ҳамда Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» амалиётига жорий этилган (2017 йил 6 декабрдаги 07-1-01-19/15929-сон ва 2017 йил 12 декабрдаги 04-12/5490-сон маълумотномалар). Натижада янги банк хизматларини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш, мижоз учун энг қулай ва мақбул хизмат шаклларини таклиф этиш, банкнинг қўшимча фойда ва имиджини ошириш имкони яратилди;

тижорат банклари харажатларини камайтириш ва мижозлар талабларига янада мослашишга қаратилган банк маркетинги бошқарувида АКТдан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган мантиқий-схематик моделини қўллаш таклифи «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкида ҳамда Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» амалиётига жорий этилган (2017 йил 6 декабрдаги 07-1-01-19/15929-сон ва 2017 йил 12 декабрдаги 04-12/5490-сон маълумотномалар). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши банк фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг турли йўналиш ва даражаларида маркетинг тадбирларини амалга оширишда, банк хизматлари кўрсатишда, шунингдек, банкнинг бошқа функционал фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтди;

тижорат банкларида стратегик маркетинг бошқаруви тизимининг

такомиллаштирилган блок-схемаси, замонавий ва инновацион маркетинг технологиялари тизими ва 4С моделидан фойдаланиш таклифи «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкида ҳамда Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» амалиётга жорий этилган (2017 йил 6 декабрдаги 07-1-01-19/15929-сон ва 2017 йил 12 декабрдаги 04-12/5490-сон маълумотномалар). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши банкларда янги молиявий хизматларни жорий этиш, банк хизматидан фойдаланувчилар сонини ошириш, банк хизматлари сифатини яхшилаш, банкнинг корпоратив мижозлар базасини кенгайтириш имконини берди;

банкларнинг бошқарув харажатлари аниқ ҳисобини юритиш ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаш мақсадида маркетинг тизими харажатлари ҳисобини юритиш таклифи «Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкида ҳамда Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» амалиётга жорий этилган (2017 йил 6 декабрдаги 07-1-01-19/15929-сон ва 2017 йил 12 декабрдаги 04-12/5490-сон маълумотномалар). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши келгусидаги маркетинг харажатлари самарадорлигини баҳолаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация натижалари жами 27 та илмий-амалий анжуманларда, шундан 4 таси халқаро миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси доирасида жами 37та илмий иш, жумладан, 10та илмий мақола, шундан 7 таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «**Банк маркетинги концепцияси ва унда тижорат банклари рақобатбардошлигининг назарий-услубий масалалари**» деб номланиб, ундарақобатли бозор шароитида тижорат банклари фаолияти самарадорлигини оширишда банк маркетингининг ўрни, тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг стратегиялари, тижорат банклари рақобатбардошлигини баҳолашдаги услубий ёндашувларнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган.

Диссертацияда амалга оширилган илмий-назарий изланишлар доирасида тижорат банклари рақобатбардошлиги ва унинг самарадорлиги борасидаги қатор хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг қарашлари ҳамда ёндашувлари ўрганилиб, тижорат банкининг рақобат самарадорлигига нисбатан муаллиф таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, тижорат банкининг рақобат самарадорлиги – бу банкнинг юқори рақобатли бозорда мижозларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва соф рақобат шароитида даромад яратиш қобилиятини узоқ муддат сақлашга йўналтириш имкониятини ифодаловчи мақсадли кўрсаткичдир.

Соҳага оид адабиётларни ўрганиш натижасида аниқландики, «Рақобат» тушунчасига нисбатан илгари сурилган таърифларда уч хил ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув рақобатни бозордаги мусобақа сифатида тавсифлайди. Классик иқтисодий назария учун хос бўлган иккинчи ёндашув рақобатни талаб ва таклифни мувозанатга келтирадиган бозор механизмининг элементи сифатида кўриб чиқади. Учинчи ёндашув бозорни тушунишнинг замонавий назариясига асосланади ва рақобатга тармоқ бозори турларини белгилаб берадиган тоифа сифатида қарайди.

BSC кўрсаткичлар тизимининг сабаб-оқибат алоқалари ва рақобатбардошлик пирамидасига таянган ҳолда, банк рақобат самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида икки гуруҳдаги, яъни рақобат самарадорлиги ўсишининг ташқи имкониятини очиб берадиган ҳамда банкнинг ички салоҳиятидан фойдаланишни тавсифлайдиган кўрсаткичлардан фойдаланилиши мумкин.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг аралаш усули ҳам анча оммалашган. У ёлғиз ва комплексли (интеграл) кўрсаткичларни биргаликда қўллашга асосланади. Аралаш усулдан фойдаланишда ёлғиз кўрсаткичларнинг бир қисми гуруҳларга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ учун мос келувчи комплексли (гуруҳ) кўрсаткичи белгиланади. Олинадиган ёлғиз кўрсаткичлар ва гуруҳ кўрсаткичлари асосида хизмат рақобатбардошлиги дифференциал усул билан баҳоланади.

Барча сифат кўрсаткичлари орасидан банк фаолиятини тавсифлайдиган кўрсаткичларни танлаб олиб, қуйидаги формула бўйича рақобатбардошликни комплексли баҳолаш мумкин.

$$K_{\kappa\beta} = \sum_{i=1}^n F_i \times \frac{KO_i}{\mathcal{E}_i} \quad (1)$$

Бу ерда $K_{\kappa\beta}$ – тижорат банкининг рақобатбардошлик коэффиценти;

F_i – рақобатбардошлик умумий баҳсида i – кўрсаткич ранги, $\sum_{i=1}^n F_i = 1$ кўрсаткичлар сифатида қуйидаги банк тавсифномалари иштирок этади:

банк имиджи; тариф сиёсати; худудий очиқлик; инвестицион жалб этувчанлик; KO – экспертлар усули билан олинган i – кўрсаткичнинг эталон қиймат билан нисбатдаги миқдорий баҳоси.

Рақобатбардошликни тавсифлайдиган ҳар бир кўрсаткич бўйича энг яхши қиймат белгиланади – унга 100%лик мутлақ қиймат берилади, таҳлил

қилинаётган банк мутлақ қийматдан фоизда белгиланадиган ва KO_i ҳисобланган кўрсаткичнинг ўз қийматига эга бўлади. \mathcal{E}_i - тадқиқ этилаётган фаолият доирасида i – кўрсаткичнинг экспертлар ўлчов бирликлари билан боғланадиган бирликдаги эталон қиймати. Кўпчилик ҳолатларда эталон қийматнинг мутлақ кўрсаткичи 100 ҳисобланади, бироқ янада аниқроқ ўлчов бирликлари зарур бўлган ҳолларда бундан юқори тартибли эталон қийматлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

n – рақобатли устунликлар омиллари сони.

Тадқиқот ишида рақобат самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида банкнинг бозор улушини бозорлар марказлашув даражасини ҳисобга олган ҳолда, банк маҳсулотларини барча бозорлар бўйича мутлақ ва нисбий ифодада ҳисоблаш бўйича маркетинг ёндашуви таклиф этилди. Масалан, банкнинг i -банк маҳсулоти бозоридаги мутлақ улуши (D_i) банкнинг i -маҳсулотни сотиш ҳажмини (V) ушбу маҳсулотни бозорда сотиш умумий ҳажмига (V_m) бўлиш йўли билан аниқланиши мумкин:

$$D_i = \frac{V_i}{V_m} \quad (2)$$

Мос равишда, банкнинг барча маҳсулот бозорларидаги умумий улуши (D_o) банкнинг барча улушлари ўртача ўлчанган кўрсаткичи сифатида ҳисоблаб чиқиши, вазн сифатида эса у ёки бу бозорнинг устуворлиги (R_i) иштирок этиши мумкин:

$$D_o = \frac{\sum_{i=1}^n D_i \times R_i}{\sum_{i=1}^n R_i} \quad (3)$$

Банкнинг бозордаги нисбий улушини ҳисоб-китоб қилишда (2) формула бозор сиғими бўйича ёки бошқа бир кўрсаткич бўйича ўртача ўлчанган кўрсаткич ҳисоб-китобига айлантирилиши мумкин. Бунда, банкнинг ички имкониятлари BSC-таҳлил ва банк маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашга мувофиқ аниқланади. Шу асосида банк рақобат самарадорлиги ўсишининг ташқи ва ички имкониятларини комплексли баҳолаш туфайли стратегик карталар тузиш ҳамда корпоратив стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот базасини қўлга киритади.


Диссертация ишининг «**Ўзбекистонда тижорат банклари рақобат-бардошлигини оширишда инновацион маркетинг тамойилларидан фойдаланиш амалиёти**» деб номланган иккинчи бобида тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш шарт-шароитлари, тижорат банклари рақобатбардошлигини инновацион маркетинг элементларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш, шунингдек, янги банк хизматларини рақобатли бозорга киритишда инновацион маркетинг услуги – краудсорсингдан фойдаланиш амалиёти ўрганилган.

Тадқиқотлар доирасида, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ички омиллар ҳисобига баҳолашнинг жорий ҳолати ўрганилиб, миқдорий кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилди. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги тўғридан-тўғри унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бўлиб,

банкларнинг рақобатбардошлик даражасига баҳо беришда банк капитали етарлилиги муҳим омил ҳисобланди.

Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий эътибор унинг капитал базасига, аниқроғи, капиталининг етарлилигига қаратилади. Чунки, капиталга нисбатан тижорат банклари томонидан молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳамда ҳимоя воситаси сифатида қараш лозим. Бу ўз навбатида, банк капитали таркибини барқарор ресурслардан ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.

Сўнгги йилларда республикаимиз тижорат банкларининг капиталлашув даражасини оширишга қаратилган бир қатор ижобий ўзгаришлар таҳлилин куйидаги расмда кўришимиз мумкин (1-расм). Бунда вертикал кўрсаткичда 2017 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкининг жами капитали млрд. сўмда акс эттирилган, горизонтал ўқ бўйича тижорат банкининг капитали 2011-2016 йилларда базис йилига (2011 йилга) нисбатан неча марта ошгани коэффицентларда қайд этилган. Шунингдек, шарларнинг ҳажмида тижорат банкларининг йириклиги даражаси акс эттирилган. Узук чизикларда банк тизими бўйича жами капиталнинг 2,8 марта ошганлиги қайд этилган.



1-расм. 2011-2016 йилларда тижорат банкларининг капиталлашув даражаси⁴.


Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, «Hamkorbank» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБлар 6 йил давомида ўз капиталини 4,2-5,2 марта ошган бўлса, «Микрокредитбанк» АТБ, ТИФ Миллий банки, «Агробанк» АТБнинг капиталлари ҳажми эса тахминан 1,5-2 мартага ошган. Бу эса, ўртача банк тизими капиталлашувидан (2,8 марта) анча паст

⁴ «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки» йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

миқдори ташкил этади. Айниқса, йирик банклар қаторига кирувчи ТИФ Миллий банки, «Асакабанк» АТБ, «Халқ банки» АТБ, «Агробанк» АТБларнинг капиталлашувидаги паст ўсиш даражалари ушбу банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга салбий таъсир этмоқда.

Бошқа томондан, ТИФ Миллий банки ҳамда «Асакабанк» АТБларнинг капитали миқдори бошқа банкларга нисбатан бирмунча кўп бўлиб, уларнинг рақобатбардошлигини пасайтирмайди, аксинча, банк хизматлари бозорида рақобатлилик даражаси юқори бўлиб қолаверади. Бу эса, республика банк тизимида мустаҳкам мавқега эга бўлган йирик банклар соф рақобат шароитида ҳам, кўрсаткичларидаги паст ўсиш даражалари билан ҳам устунликка эга бўлиб қолаётганлиги ва умумий банк тизимининг ривожланишига салбий таъсир этаётганини англатади.

Тижорат банкларининг ликвидлилик бўйича рақобатбардошлигидаги асосий кўрсаткич банкнинг жорий ликвидлиги ҳисобланади. Диссертация тадқиқоти объекти бўлган тижорат банклари балансининг жорий ликвидлилик кўрсаткичи таҳлил қилинганда учта банкда ҳам бу борадаги кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлгани кузатилди (2-расм).



2-расм. «Асакабанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ҳамда «Агробанк» АТБларнинг жорий ликвидлилик кўрсаткичи, фоизда⁵.

Кўришимиз мумкинки, 2016 йилда «Асакабанк» АТБда жорий ликвидлик коэффициенти 2015 йилга нисбатан 3,04 фоиз пунктга пасайгани ҳолда 58,14 фоизни ташкил этган. Шунингдек, «Агробанк» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда ҳам мазкур кўрсаткич мос равишда 5,95 ва


⁵Тижорат банкларнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

6,39 фоиз пунктга пасайгани ҳолда 34,88 ҳамда 85,99 фоизга тенг бўлган.

Рақамларда пасайиш тенденцияси кузатилаётган бўлсада, келтирилган маълумотлар кўриб чиқиляётган банкларнинг молиявий барқарорлигидан, ўз навбатида уларнинг рақобатбардошлигининг юқорилигидан далолат беради. Чунки, мазкур кўрсаткич бўйича меъёр Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 30 фоиз қилиб белгиланган.

Рақобатбардош банк тизимининг ривожланиши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг йирик ҳажмдаги маблағларини қонуний айланмага жалб қилиш ҳамда бизнес юритиш маданияти даражасини ошириш каби устувор вазифаларни кун тартибига қўяди. Рақобатбардошлик даражаси банк тизимининг мамлакат иқтисодиётидаги функционал роли, молиявий барқарорлик даражаси, корпоратив бошқарув сифати билан белгиланади.

Фаол маркетинг концепциясининг замонавий йўналишига айланиб бораётган краудсорсинг услуги, мутахассисларнинг баҳолашича, нафақат ушбу услубдан фойдаланувчи ижтимоий ёки тижорат корхоналари учун самарали фаолият ҳисобланади, шу билан бирга, краудсорсинг корхоналарнинг товар ва хизматлари истеъмолчилари (яъни краудсорсерлар) ва ниҳоят, бутун иқтисодиёт учун ҳам муҳим амалиёт саналади (3-расм).



3-расм. Краудсорсинг амалиётининг корхоналар, истеъмолчилар ва мамлакат иқтисодиёти учун самарадорлиги йўналишлари⁶

Бизнинг фикримизча, банк хизматлари бозорида краудсорсинг – бу тижорат банклари томонидан янги истеъмол қийматини яратиш ва фойда олиш мақсадида банк мижозларини, уларнинг ўз хоҳишлари орқали кўнгилли равишда фойдаланишнинг замонавий маркетинг услубидир. Краудсорсинг концепциясининг муҳим аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, унинг

⁶Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

натижасида нафақат янги банк хизматларини яратиш, балки мавжуд банк хизматларининг ҳаётийлик даврини янада узайтириш ва уларнинг умумий даромадлиқ даражасини ошириш мумкин. Бунга албатта, тижорат банкларининг фаол маркетинг фаолияти эвазига, мижозлар билан мунтазам мулоқот ва уларнинг талаб-хоҳишларига максимал мослашиш натижасида эришилади.

Тижорат банки маркетинг фаолияти таҳлилларига асосланган ҳолда, биз банк хизматлари бозорида краудсорсинг амалиётини қуйидаги 5та ўзаро мантиқий боғлиқ жараёнларнинг йиғиндиси сифатида таклиф этамиз: 1) банк маҳсулотлари ва хизматларига истеъмолчилар муносабатини ва қониқишини ўрганиш; 2) дастлабки маркетинг тадқиқотлари асосида краудсорсинг платформасини яратиш; 3) краудсорсинг жараёнини ташкил этиш, мижозлар талабларини жамлаш ва таҳлил қилиш; 4) янги банк маҳсулоти ёки хизматини яратиш (ёки уларнинг сифатини ошириш)га оид маркетинг қарорини киритиш; ва ниҳоят, 5) янги банк маҳсулоти ёки хизматини бозорга киритиш ва унинг истеъмоли мониторингини юритиш.

Тижорат банкларида инновацион маркетинг технологияси сифатида краудсорсинг амалиётидан фойдаланишни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (4-расм).



4-расм. Тижорат банкларида краудсорсингдан фойдаланишнинг умумий концепцияси⁷.

Краудсорсинг концепциясининг муҳим аҳамияти яна шундаки, унинг натижасида нафақат янги банк хизматлари яратиш мумкин, балки мавжуд банк хизматлари ҳаётийлик даврини янада узайтириш ва хизматнинг умумий даромадлиқ даражасини кучайтириш мумкин буларга албатта, банк ташкилоти фаол маркетинг ҳаракатлари эвазига, мижозлар билан мунтазам мулоқот ва уларнинг талаб-хоҳишларига максимал мослашиш натижасида эришилади.

Республикаимиз тижорат банклари фаолиятида фаол маркетинг концеп-


⁷Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

циясининг замонавий йўналиши ҳисобланаётган краудсорсинг амалиётидан кенг фойдаланиш, авваламбор, мижозлар эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш натижасида уларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишга олиб келади шу билан бирга, банк хизматларини бозорга киритиш имкониятларини янада кенгайтиради, натижада уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

«Ўзбекистон тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш»га бағишланган учинчи бобда, тижорат банклари инновацион маркетинг стратегиясида илғор ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш механизмлари, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишнинг мижозга йўналтирилган инновацион стратегиясини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

Маркетинг фаолиятида замонавий АКТдан самарали фойдаланиш Ўзбекистон тижорат банкларида инновацион маркетинг технологияларининг кенг кириб келишига, ўз навбатида, анъанавий ҳамда эскирган маркетинг технологияларининг борган сари амалиётдан сиқиб чиқарилишига олиб келмоқда. Жумладан, инновацион маркетинг технологиялари бўлмиш нейромаркетинг, когнитив маркетинг, сенсормаркетинг, мобилмаркетинг, интернетмаркетинг ва краудмаркетинг услублари республика тижорат банклари фаолиятида бирин-кетин учрамоқда.

Маркетинг бошқаруви тизими концепцияси ва маркетинг бошқарувининг функционал жараёнларига таянган ҳолда, тижорат банклари маркетинг фаолиятида АКТдан самарали фойдаланишнинг қуйидаги мантиқий-схематик модели таклиф этилди (5-расм).



5-расм. Тижорат банклари фаолияти маркетинг бошқарувида АКТдан самарали фойдаланишнинг мантиқий-схематик модели⁸.

Диссертация ишида келтирилган мантиқий-схематик моделнинг ҳар бир босқичи учун тавсия этиладиган АКТдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари изоҳлаб берилган. Фикримизча, маркетинг режасига мувофиқ

⁸Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маркетинг тадбирларини амалга оширишнинг муҳим воситалари сифатида, шунингдек, мобилмаркетинг, интернетмаркетинг ва краудмаркетинг учун ишлаб чиқиладиган махсус АКТга асосланган маркетинг платформаларини яратиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда тижорат банклари маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисидаги маълумотлар миқдорларга инновацион маркетинг коммуникациялари орқали, интернет, мобиль алоқа, замонавий АКТ ва тизимларидан самарали фойдаланган ҳолда етказилмоқда.

АКТдан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда уларнинг тижорат банклари рақобатбардошлиги кўрсаткичларида акс этиши масалаларини таҳлил қилиш мақсадида АКТдан фойдаланишнинг нафлилиги тавсифининг айрим йўналишлари таклиф этилди. Жумладан, маркетинг бошқаруви жараёнлари ва тадбирларида АКТ самарадорлиги моддий харажатларнинг тежалиши ва таннархнинг пасайиши, вақтнинг тежалиши ҳамда жараёнларнинг тезлашиши ва соддалашиши, миқдорлар учун қулайликларнинг ошиши, банкка ишончнинг кучайиши каби рақобатбардошлиқдан далолат берувчи кўрсаткичларга ижобий таъсир этади.


Тижорат банклари амалий маркетинг фаолиятида интернет ва бошқа замонавий АКТга асосланган «SMS banking», «Mobile-banking» ва «Internet-banking» каби банк хизматлари кўрсатиш платформалари, Ўзбекистонда «E-banking» тизимининг муҳим платформалари ҳисобланадиган «Click», «MBank», «Payme» ва бошқа электрон тўлов дастурлари бугунги банк хизматлари бозорининг муҳим атрибутига айлангани барчага аён.

Банк фойдаси ва рентабеллигининг ошиши, банк миқдорлари базасининг янада кенгайиши, банклар рақобат устунлигининг мустаҳкамланиши ҳамда банклар имижининг тобора кучайиб бориши ўз навбатида тижорат банклари маркетинг фаолиятида замонавий АКТ ва интернет технологияларидан самарали фойдаланишнинг муҳим натижалари ҳисобланади.

Хусусан, интернет, АКТ ва мобил алоқа тизимлари тобора ривожланиб бораётган бугунги рақобат ҳолатида тижорат банклари қайси стратегик маркетинг концепциясидан фойдаланишлари ва қандай инновацион маркетинг технологияларига асосланишлари, фикримизча, муҳим илмий, услубий ва амалий аҳамиятга молик масаладир.

Авваламбор, тижорат банки стратегик маркетинг бошқаруви тизими блок-схемасида инновацион маркетинг комплекси компонентларидан фойдаланишнинг ҳудудий чегараларини аниқлаб олиш лозим. Фикримизча, стратегик маркетинг бошқаруви тизими блок-схемасининг юқоридаги 6-расм кўринишида берилиши мантиқан асосли ва мақсадга мувофиқдир.

